

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭЛЕКТРОН ЗАНЖИРЛАР ВА МИКРОСХЕМОТЕХНИКА

фанидан тажриба ишларини бажариш учун услугубий кўрсатма

521700 – «Электроника ва микроэлектроника» бакалавриат
таълим йўналиши талабалари учун

Тошкент 2007

УДК 621.314

Электрон занжирлар ва микросхемотехника фанидан тажриба ишларини бажариш учун услугий кўрсатма./ Туз.: Халилова М.Р., Аминова Д.Н., – Тошкент, ТошДТУ, 2007, 346.

Ушбу ишда операцион кучайтиргич асосидаги компаратор, интегратор, триггер, мультивибратор ва биполяр транзистор асосидаги автотебранувчи мультивибратор, ҳамда оптоэлектрон блокинг – генератор схемаларини ўрганишга оид 4 та тажриба ишларини бажариш учун зарур бўлган услугий кўрсатмалар берилган.

521700 «Электроника ва микроэлектроника» бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети илмий – услугий кенгаши қарорига кўра чоп этилди.

Тақризчилар: Тошкент темир йўллари мухандислари институти доценти
Каримов Р.К.

ТошДТУ «РТ ва РС» кафедраси доценти Умаров Ф.Ф.


1 – ТАЖРИБА ИШИ

Операцион кучайтиргич асосидаги компаратор ва интегратор схемаларини текшириш

Ишдан мақсад: Операцион кучайтиргич асосидаги компаратор ва интеграторнинг ишлаш тамойилини ўрганиш. Импульс сигналларнинг параметрларини ўлчаш қўникмаларини ҳосил қилиш.

Тажриба стендининг тузилиши

ЭС – 23 туркумидаги тажриба стенди ёрдамида операцион кучайтиргичнинг ўзининг тавсифларини ҳамда унинг қўлланиш схемаларини ўрганиш мумкин (1-расм).



1 – расм

Стенднинг олд қисмида қуйидагилар жойлашган: кириш ва чиқиши сигналларни ўлчашга мўлжалланган ўзгармас ток вольтметрлари; сигналнинг амплитудасини ва ишорасини ростлаш имкониятига эга бўлган иккита “Ист1” ва “Ист2” кучланиш манбай; операцион кучайтиргични қўллаш схемаларига эга бўлган алмаштириладиган платалар; рақамли индексацияли секундомер.

Текширилаётган схема учун узатиш коэффициентининг (S_1 ёрдамида) сифим қийматини (C_1, C_2) ўзгартириб, интеграллаш вақтини ўзгартириш

имконияти мавжуд. Сигнални ташқи қурилмадан бериш ҳамда чиқиш сигналини кузатиш учун уячалар стендга жойлаштирилган.

Ўрганилаётган у ёки бу схема маҳсус болтлар ёрдамида маҳкамланади. Ўзгармас чиқиши кучланиши вольтметри текширилаётган схема чиқишига уланади ва автоматик равишида ўлчанаётган кучланишнинг ишорасини кўрсатади.

Ишни бажариш тартиби

Операцион кучайтиргич асосидаги компараторни ўрганиш.


1. Операцион кучайтиргични инвертировчи кириши бўйича $U_{чиқ}=f(U_{кип})$ боғланиши олинсин.
2. Операцион кучайтиргични ноинвертировчи кириши бўйича $U_{чиқ}=f(U_{кип})$ боғланиши аниқлансин.
3. Ноинвертировчи киришга синусоидал сигнал бериб, чиқищдаги мусбат ва манфий импульслар давомийлигини инвертировочи киришдаги кучланишга боғлиқлиги аниқлансин.

Операцион кучайтиргич асосидаги интеграторни ўрганиш.

4. C_1 ва C_2 сифимлар учун $U_{чиқ}=f(t)$ боғланиши 20 секундда аниқлансин. $U_{кип}=0,8 \text{ V}$.
5. Худди шу боғланиш 40 секундда аниқлансин.
6. Олинган натижалар ҳисобот натижалари билан солиштирилсин.
7. Интегратор киришига бир қутбли ва икки қутбли импульслар бериб чиқиши импульсларининг шакли чизиб олинсин. Тўгри юриш ва тескари юриш давомийлиги аниқлансин.

Ишни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар

1-бандга 1.1 плата ўрнатилсин (2-расм)



2 – расм

Стенд озуқа манбаига улансин. Инвертировочи кириш учун $U_{чиқ}=f(U_{кип})$ боғланишни олиш учун $U_{кип} -3 \text{ V}$ дан $+3 \text{ V}$ гача ва тескари йўналишда ўзгаририлади. Бунда


$$U_{ucm2} = 0, -1, -2, +1, +2 \text{ В} = \text{const}$$

2-бандга Ноинвертирловчи кириш учун $U_{\text{чиқ}}=f(U_{\text{кир}})$ боғланишни олиш учун $U_{ucm2} -3 \text{ В}$ дан $+3 \text{ В}$ гача ўзгаририлади

$$U_{ucm2} = 0, -1, -2, +1, +2 \text{ В} = \text{const}$$

3-бандга Импульслар давомийлиги осциллограф ёрдамида аниқланади. Синусоидал сигнал амплитудаси $U_{ucm2}=0,785 \text{ V}$; частотаси 1000 Гц. $U_{\text{кир},ucm1}$ қиймати кириш вольтметри орқали аниқланади.

4-бандга 5.2 – плата ўрнатилсин (3–расм).



3 – расм

$S_2 \Rightarrow C_1$ (20 сек.) тугма босилсин. Секундомер $S_1=20$ см тугма ёрдамида уланади. $U_{\text{чиқ}}$ чиқиши вольтметри ёрдамида аниқланади, бир вақтнинг ўзида секундомер орқали вақт қайд этилади. C_2 конденсаторни улаб худди шу боғланиш яна аниқланади.

5-бандга 4-бандда олинган боғланиш 40 секунд учун ҳам аниқланади ($S_1 = 40$ секунд).


6-бандга $U_{\text{чиқ}}$ қуйидагича аниқланади:

$$U_{\text{чиқ}} = \frac{1}{RC} \int_0^t U_{\text{кир}} dt = \frac{U_{\text{кир}} \cdot t}{R \cdot C}$$

$$\begin{aligned} U_{\text{кир}} &= 0,82 \text{ В} \\ R &= 0,82 \text{ Мом} \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} C_1 &= 20 \text{ мкФ} \\ C_2 &= 40 \text{ мкФ} \end{aligned}$$

7-бандга 5.1 плата ўрнатилсин (4 – расм).



Чиқиш кучланиши шакли осциллограф ёрдамида чизиб олинсин. Импульслар давомийлиги осциллограф ёрдамида аниқланади.

Хисобот таркиби

Хисобот қуидагилардан ташкил топған бўлиши керак:

1. Текширилаётган компаратор ва интеграторлар схемаларини ўз ичига олган тажриба ишининг баёни.
2. Компараторнинг инвертировчи ва ноинвертировчи киришлари учун $U_{чиқ}=f(U_{кир})$ тавсифлари.
3. Синусоидал кириш кучланиши учун мусбат ва манфий импульсларнинг давомийлигини $U_{кир}$ боғлиқлигини кўрсатувчи жадваллар ва буни акс эттирувчи вакт диаграммалари.
4. Интегратор учун $U_{чиқ}=f(t)$ тавсифи.
5. Кириш сигналининг икки тури учун интегратор чиқишидаги импульслар осцилограммалари.

Қисқача назарий маълумотлар

Операцион кучайтиргичлар импульс техникасида ҳам кенг қўлланилади. Импульс режимидаги операцион кучайтиргич чиқиш сигналининг сатҳи амплитуда тавсифининг чизиқли ҳудудига мос келувчи қийматлардан ошмайди. Шунга боғланган ҳолда операцион кучайтиргичнинг чиқиш кучланиши ишлаш жараёнида U^+ чиқмах ёки U^- чиқмах кучланишлари билан аниқланади.


Операцион кучайтиргични импульс режимида ишлашини компаратор мисолида кўрамиз. Компаратор ўлчанувчи кириш сигналини ($U_{кир}$) таянч кучланиши билан солиширади. Таянч кучланиши вазифасини қиймати бўйича ўзгармас мусбат ёки манфий қутбли кучланиш бажаради. Кириш кучланиши вакт ўки бўйича ўзгарада. Кириш кучланиши таянч кучланиши

сатҳига етганида операцион кучайтиргич чиқишидаги кучланишининг қутби ўзгаради, масалан U^+ чикмах дан U^- чикмах гача.

$U_T = 0$ бўлганида компаратор кириш кучланиши нолдан ўтиш вақтларини қайд этади. Компараторни кўпинча ноль орган ҳам деб атасади, чунки $U_{\text{кир}} - U_T \approx 0$ бўлганида қайта уланади.

Компараторлар автоматик бошқариш тизимларида ва ҳисоблаш техникасида, бундан ташқари импульс ва рақамли қурилмаларнинг (хусусан, аналог-рақамли ва рақам-аналогли ўзгартиргичлар) турли тугунларини қуришда қўлланилади.

5-расмда операцион кучайтиргич асосидаги кампаратор келтирилган..



5-расм


Унинг ўлчанувчи ва таянч кучланишини операцион кучайтиргич симметрик уланишини характерлайди. $(U_{\text{кир}} - U_T)$ кучланишлар айрмаси операцион кучайтиргични кириш кучланиш U_o вазифасини бажаради, бу ўз навбатида компараторнинг ўтиш тавсифини аниқлайди (5-расм, б). $U_{\text{кир}} < U_T$ бўлганида, $U_o < 0$, бунга боғлиқ ҳолда $U_{\text{чик}} = U^+_{\text{чик маҳ}}$. $U_{\text{кир}} > U_T$ бўлганида, $U_o > 0$ ва $U_{\text{чик}} = U^-_{\text{чик маҳ}}$. Чиқиш кучланиши қутбининг ўзгариши ўлчанувчи кириш кучланиши U_T қийматидан ўтганида амалга ошади. Агар 5 – а расмда кўрсатилган кириш ва таянч

тавсифини аниқлайди (5-расм, б). $U_{\text{кир}} < U_T$ бўлганида, $U_o < 0$, бунга боғлиқ ҳолда $U_{\text{чик}} = U^+_{\text{чик маҳ}}$. $U_{\text{кир}} > U_T$ бўлганида, $U_o > 0$ ва $U_{\text{чик}} = U^-_{\text{чик маҳ}}$. Чиқиш кучланиши қутбининг ўзгариши ўлчанувчи кириш кучланиши U_T қийматидан ўтганида амалга ошади. Агар 5 – а расмда кўрсатилган кириш ва таянч

кучланишларнинг ўрни алмаштирилса, ёки уларни улаш қутблари ўзгарса, кампараторнинг ўтиш тавсифи инверсияланади.

$U_{кир} < U_t$ шартига $U_{чик} = U_{чик мак}$ тенглик жавоб беради, $U_{кир} > U_t$ шартига эса - $U_{чик} = U_{чик мак}^+$. Агар ўлчанувчи ва таянч кучланишлар қиймати операцион кучайтиргич кириш кучланишларининг паспорт қийматларидан ошмаса 5-а расмда кўрсатилган схема қўлланилади. Акс ҳолда улар операцион кучайтиргичга кучланиш бўлувчилари ёрдамида уланадилар (5-в расм).

Операцион кучайтиргич асосидаги интегратор схемаси инвертировчи кучайтиргич асосида қурилади (6-расм). Тескари боғланиш занжирига конденсатор C уланади.



Маълумки,

$$U_C = \frac{1}{c} \int i_c dt$$

Операцион кучайтиргич учун $R_{кир} \approx \infty$ бўлганиги учун $i_c = -i_{кир} = -U_{кир} / R$

Операцион кучайтиргич киришлари оралиғидаги кучланиш $U_0=0$. Шунинг учун $U_{чик}=U_c$, бундан $U_{чик} = -\frac{1}{c} \int \frac{U_{кир}(t)}{R} dt = -\frac{1}{RC} \int U_{кир}(t) dt$.

6 – расмда кўрсатилган схема интеграллаш математик амалиётни бажаради. Ноаниқ интеграллардан, аниқларига утсак, юқоридаги боғланиш қуйидагича бўлади,

$$U_{чик} = U_{чик}(0) - \frac{1}{RT} \int_0^t U_{кир}(t) dt$$

Чиқиш кучланишининг қиймати бошланғич шароитларга, яъни $t=0$ вақтда конденсатордаги кучланиш $U_{чик}(0)$ га боғлиқ. Интегратор киришига ўзгармас кучланиш берилса, чиқишда чизиқли қонуният билан ўзгарувчи кучланиш ҳосил бўлади.

Тажриба ишини бажариш учун саволлар

1. Операцион кучайтиргич асосидаги компаратор нима? Схемасини чизиб кўрсатинг.
2. Компараторнинг қўллаш соҳаларини кўрсатинг.
3. Операцион кучайтиргич асосидаги интегратор нима? Схемасини чизиб кўрсатинг.

4. Интеграторнинг қўллаш соҳаларини кўрсатинг.

Тажриба ишидан олинган билимларни синаш учун саволлар

1. Операцион кучайтиргичнинг қайси хусусиятлари уларни импульс қурилмаларда қўллашга имконият беради?
2. Операцион кучайтиргич асосидаги компараторнинг ишлаш тамойилини ва $U_{чиқ}=f(U_{кир})$ тавсифини тушунтиринг.
3. Операцион кучайтиргич киришларининг бирига синусоидал сигнал берилганда ҳосил бўлган вақт диаграммаларини тушунтиринг.
4. Интеграторнинг ишлаш тамойилини тушунтиринг. Кириш сигнални ўзгармас бўлганида $U_{чиқ}$ ни аниқловчи формулани келтиринг.
5. Чизиқли ўзгарувчан кучланиш генераторида интеграторнинг ишлашини тушунтиринг. Схема ва ишлаш диаграммаларини тушунтиринг.
6. Уч бурчакли импульс лар генераторида интеграторнинг ишлашини тушунтиринг. Схема ва ишлаш диаграммаларини келтиринг.

2 – ТАЖРИБА ИШИ

Операцион кучайтиргич асосидаги триггер ва мультивибратор схемаларини ўрганиш

Ишдан мақсад:

1. Операцион кучайтиргич асосидаги носимметрик триггер схемасининг ишлаш тамойилини ўрганиш
2. Операцион кучайтиргич асосидаги мультивибратор схемасини ўрганиш

Тажриба стендининг тузилиши

ЭС – 23 туркумидаги тажриба стенди ёрдамида бажарилади. Стенднинг тузилиши 1- тажриба ишида келтирилган.

Ишни бажариш тартиби.

Операцион кучайтиргични триггер схемасида ўрганиш.


1. R_{OC} нинг икки қиймати учун (R_3 ва R_4) операцион кучайтиргичдаги триггернинг инвертерловчи кириши 1 ва ўзгармас сигнал учун узатиш тавсифи $U_{чиқ}=f(U_{кир})$ олинсин ва қурилсин.
2. R_{OC} нинг икки қиймати ва ноинвертерловчи кириш 2 учун ўзгармас сигналда узатиш тавсифи $U_{чиқ}=f(U_{кир})$ олинсин ва қурилсин.
3. $R_{OC}=R_4$ бўлганида ва 1 киришга синусоидал сигнал берилганида чиқиш сигналининг фронти ўлчансин.

Операцион кучайтиргич асосидаги мультивибратор схемасини ўрганиши.

4. С сифимнинг икки қиймати учун (C_1 ва C_2) автотебранувчи мультивибратор чиқишидаги импульсларнинг частотаси аниқлансин.
5. С сифимнинг икки қиймати (C_1 ва C_2) ва кутувчи режим учун операцион кучайтиргич асосидаги мультивибратор чиқишидаги импульсларнинг вақт давомийлиги аниқлансин.
6. Операцион кучайтиргич асосидаги автотебранувчи мультивибратор учун чиқиш импульслар даври аниқлансин.


$$t_u = CR_{OC} \ln\left(1 + \frac{R_3}{R_4}\right)$$

1 плата 4.




2-расм

Плата 2.2



3- расм



4 - расм

Ишни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар

1-бандга 4 – плата ўрнатилсин (2-расм). Стенд таъминлаш манбаига улансин.

а) S_1 тугма ёрдамида $R_{OC}=R_4$ улансин, ўзгармас «Ист-1», «---» улансин. $U_{кир} = 3$ В дан +3 В гача ўзгартирилсин. Чиқиш кучланиши стендинг чиқиш вольтметри ёрдамида кузатилсин. $U_{ист2}=0$ В; 1В.

б) күрсатилган амалиётлар $R_{OC}=R_4$ учун қайтарилен. Бұ
амалиётлар икки кириш бүйічә амалға оширилесин. $U_{ист1}=0V$;
 $2V$

2-бандга Кириш синусоидал сигнал $U_{ист1}$ дан берилесин. $U_{ист2}$ сигнал
амплитудасы $U_{ист2}=0V$; $R_{OC}=R_4$ үрнатылесин. Фронт вакти
осциллограф ёрдамида ўлчансин.

3-бандга 2.2-платада үрнатылесин (3-расм). Стенд таъминлаш манбаига
улансин. Чиқиш 3 га осциллограф улансан, чиқиш
сигналининг шакли 3 ва 2 нүкталар учун чизиб олинсан. S_1
ёрдамида C_1 уланади. Осциллограф ёрдамида импульс ва
пауза давомийлиги аниқланади, кейин худди шу амалиётлар
 C_2 учун амалға оширилади.

4-бандга 2.1-платада (4-расм) үрнатылесин. Стенд озуқа манбаига улансан.
Чиқиш 3 га осциллограф улансан ва импульслар давомийлиги
(мусбат ва манфий) схеманинг иккита қиймати учун
аниқлансан (S_1 тұгма) S_2 тұгма ички генератордан ишга
туширувчи импульсларни олишга хизмат қиласы.

5-бандга Мусбат ва манфий импульслар давомийлиги қуйидаги
хисоблаш формуласи ёрдамида аниқланади:

$$t_u = CR_0 \ln\left(1 + \frac{R_4}{R_5}\right)$$

Хисобот таркиби


Хисобот қуйидагилардан ташкил топған бўлиши керак:

6. Ўтказилган тажрибалар ва хисобот натижалари тадқиқот схемалари.
7. Триггер тавсифлари.
8. Тескари боғланиш сигимининг икки қиймати учун чиқиш импульслар
даврининг хисоботи.
9. Операцион кучайтиргич асосидаги триггер ва мультивибратор
схемалари.

Қисқача назарий маълумотлар

Операцион кучайтиргичга ноинвертировчи кириш бүйічә R_1, R_2
резисторлар ёрдамида тескари боғланиши киритилген компаратор кенг
қўлланилади (5-а расм)

Бундай компаратор гистерезисли ўтиш тавсифига эга (5-б расм).



5-расм

Бу схема Шмитт триггери ёки поғона қурилмаси номи билан тарқалган.

Кириш кучланиши $U_{\text{кир}}$ ишга тушиш $U_{\text{и.т.}}$ қийматига эга бўлганида схема $U_{\text{чик}}$ мак ҳолатига қайта уланади, кириш кучланиши қўйиб юбориш кучланиши $U_{\text{к.ю.}}$ гача камайганда схема бошлангич $U_{\text{чикмак}}^+$ ҳолатига қайтади.

$U_o = 0$ деб фараз қилиб, поғона кучланишлари аниқланади.

$$U_{\text{и.т.}} = U_{\text{т}} + \frac{U_{\text{чикмак}}^+ - U_{\text{т}}}{R_1 + R_2} \cdot R_1$$

$$U_{\text{к.ю.}} = U_{\text{т}} - \frac{U_{\text{чикмак}}^- + U_{\text{т}}}{R_1 + R_2} \cdot R_1$$

Бундан гистерезис кенглиги


$$U_\Gamma = U_{\text{и.т.}} - U_{\text{к.ю.}} = \frac{R_1}{R_1 + R_2} (U_{\text{чикмак}}^+ + U_{\text{чикмак}}^-)$$

Агар $U_{\text{т}} = 0$ бўлса, триггер схемаси 6-расм а, кўринишига эга бўлади.

Унинг поғона кучланишлари ва гистерезис ҳудуди (6-б расм) қўйидагиларни ташкил этади:


$$\begin{aligned} U_{\text{и.т.}} &= \chi U_{\text{чикмак}}^+ \\ U_{\text{к.ю.}} &= -\chi U_{\text{чикмак}}^- \\ U_\Gamma &= \chi(U_{\text{чикмак}}^+ + U_{\text{чикмак}}^-) \end{aligned}$$

Бу ерда $\chi = \frac{R_1}{R_1 + R_2}$ тескари боғланиш чукурлиги. 6-расмда қўрсатилган схема операцион кучайтиргич асосидаги генераторларни қуришга асос булади.



a)

6-расм



б)

Импульс режимида ишловчи операцион кучайтиргичнинг асосий кўрсаткичлари ишга тушишининг кечиши билан баҳоланувчи тезкорлик ва чиқиш кучланишининг ўсиш вақти. Ишга тушишининг кечикиши (чиқиш импульсининг кечикиш вақти) бир неча микросекундни ташкил этади, чиқиш кучланишининг ўсиш вақти эса - микросекунднинг бўлакларини ташкил этади.

Импульс режимида ишлашга мўлжалланган ва умумий «компаратор» номини олган маҳсус операцион кучайтиргичлар яхшироқ тезкорликка эга. Бундай микросхемаларнинг ишга тушишининг кечикиши 1 мкс дан кам, чиқиш кучланишининг ўсиш вақти эса микросекунднинг юздан бир қисмини ташкил этади.

Интеграл транзисторлардаги τ_B сини камайтириш ва операцион кучайтиргич схемасида уларнинг тўйинишининг олдини олиш хисобига юқорироқ тезкорликка эришилади.

Операцион кучайтиргич асосидаги симметрик ўз - ўзидан тебранувчи мультивибратор схемаси 7-расмда келтирилган. Унинг асосини операцион кучайтиргич асосидаги компаратор ташкил этади. Ўз - ўзидан тебранувчи режим инвертировчи киришга С конденсатор ва R резисторлардан иборат вақт топширувчи занжирни киритиш билан амалга оширилади. Схеманинг ишлаш тамойилини 7-б расмда келтирилган вақт диаграммалари тушунтиради.


Фараз қилайлик, t_1 вақтигача операцион кучайтиргич киришлари ўртасидаги кучланиш $U_o > 0$. Бунга операцион кучайтиргич чиқишидаги кучланиш $U_{ЧИК} = -U_{ЧИК\text{ мак}}$ ва унинг ноинвертировчи киришидаги кучланиш $U(+)= -\chi U_{ЧИК\text{ мак}}$, бу ерда $\chi = R_1 / (R_1+R_2)$. - мусбат тескари боғланиш занжирининг чуқурлиги.

Схема чиқишида - $U_{ЧИК\text{ мак}}$ мавжудлиги С конденсатор R резистор орқали зарядланишини таъминлайди.


t_1 вақтида операцион кучайтиргичнинг инвертировчи киришидаги экспоненциал ўзгарувчи кучланиши ноинвертировчи киришдаги кучланиш

сатхи - $\chi U_{\text{чикмак}}$ га етади. U_o кучланиш нолга тенг бўлади, бу ўз навбатида операцион кучайтиргич чиқишидаги кучланишнинг қутбини ўзгартиради: $U_{\text{чик}} = U^+_{\text{чикмак}}$. $U(+)$ кучланиш ишорасини ўзгартиради ва $\chi U^+_{\text{чикмак}}$ қийматга эга булади, бу $U_o < 0$ ва $U_{\text{чик}} = U^+_{\text{чикмак}}$ га мос келади.

t_1 вақтидан бошлаб конденсатор - $\chi U_{\text{чикмак}}$ кучланиш сатҳидан қайта зарядланади. Конденсатор R резисторли занжирда $+U^+_{\text{чикмак}}$ сатҳгача зарядланишга интилади. t_2 вақтида конденсатор кучланиши $\chi U^+_{\text{чикмак}}$ қийматга етади. U_o кучланиши нолга тенг бўлади, бу операцион кучайтиргични қарама – қарши ҳолатга қайта улади. Кейин схемадаги жараён қайтарилади.



a)



7-расм

6)

Симметрик мультивибратор частотаси

$$f = \frac{1}{T} = \frac{1}{t_{u1} + t_{u2}}$$


$$t_u = \tau \ln \frac{\chi U^-_{\text{чикмак}} + U^+_{\text{чикмак}}}{U^+_{\text{чикмак}} - \chi U^-_{\text{чикмак}}} \quad \text{ва} \quad f = \frac{1}{2\tau \ln \frac{\chi U^-_{\text{чикмак}} + U^+_{\text{чикмак}}}{U^+_{\text{чикмак}} - \chi U^-_{\text{чикмак}}}};$$

$U_{\text{чик мак}}^+ = U_{\text{чик мак}}^-$ деб қабул қилинса,

$$t_u = \tau \ln(1 + \frac{2R_1}{R_2})$$

$$f = \frac{1}{2\tau \ln(1 + \frac{2R_1}{R_2})}$$

Операцион кучайтиргич асосидаги носимметрик мультивибратор схемаси 8-расмда келтирилган.



8-расм

Келтирилган схема учун $t_{u1} \neq t_{u2}$

Носимметрик ишлаш режимини ярим даврлар бўйича вақт белгиловчи занжирларнинг бир хил бўлмаган вақт доимийликлари таъминлайди.

Схемада R резистор ўрнига иккита резистор ва диоддан иборат бўлган параллел тармоқларни улаш билан эришилади. D_1 диоди чиқиш кучланишининг мусбат ярим тўлқинда очиқ, D_2 эса - манфий ярим тўлқинда. Биринчи ҳолатда $\tau_1 = CR'$, иккинчи ҳолатда $\tau_2 = CR''$. Импульслар вақт давомийлиги

$$t_{u1} = \tau_1 \ln(1 + 2R_1 / R_2)$$

$$t_{u2} = \tau_2 \ln(1 + 2R_1 / R_2)$$

Узатиш коэффициенти ва қаршиликлар қийматларини танлашга операцион кучайтиргичнинг чегаравий мумкин бўлган ишлаш режимлари чеклаш киритади. Масалан, χ ни танлашда операцион кучайтиргичнинг дифференциал кириши бўйича мумкин бўлган максимал кучланиш қиймати $U_{o \text{ max}}$ инобатга олинади. Операцион кучайтиргичнинг инвертировчи ва

ноинвертирловчи киришларидаги кучланиш $\chi U_{\text{чик max}}^{\pm}$ булган вақтда, дифференциал кириш бўйича максимал кучланиш $U_{o \text{ max}}$ қиймати $2U_{\text{чик max}}^{\pm}$ га мос келади. Бундан келиб чиқган ҳолда.

$$\chi \leq U_{o \text{ max}} / (2U_{\text{чик max}}^{\pm}).$$

Агар операцион кучайтиргични таъминлаш кучланиши $E_{\kappa 1} = E_{\kappa 2} = E_{\kappa}$ ва $U_{\text{чик max}}^+ = U_{\text{чик max}}^- = E_{\kappa}$ бўлса, χ қуидаги шартдан келиб чиқсан ҳолда танланади.

$$\chi \leq \frac{U_{0 \text{MAX}}}{2E_{\kappa}}$$

R , R_1 , R_2 қаршиликлар максимал мумкин бўлган $I_{\text{чик max}}$ ток ҳисобига олган ҳолда танланади. Операцион кучайтиргичнинг чиқиш токи учта ташкил этувчилиардан ҳосил бўлади: юклама токи $U_{\text{чик}} / R_{io}$, ноинвертирловчи кириш бўйича тескари боғланиш токи $U_{\text{чик}} / (R_1 + R_2)$ ва инвертирловчи кириш бўйича тескари боғланиш токи $(U_{\text{чик}} - U_c) / R$

$$E_{\kappa} \left(\frac{1}{R_{io}} + \frac{1}{R_1 + R_2} + \frac{1 + \chi}{R} \right) \leq I_{\text{чик max}}$$


R , R_1 қаршиликларнинг максимал қиймати бўйича чеклаш операцион кучайтиргич R_{cup} кириш қаршилиги ностабиллигини чиқиш импульслар давомийлигига ва мультивибратор частотасига таъсирини камайтириш учун киритилади. Бундан келиб чиқсан ҳолда R ва R_1 қаршиликлар операцион кучайтиргичнинг кириш қаршилигидан 3-5 маротаба кам қилиб танланади.

Генерацияланаётган импульслар фронти давомийлиги кириш сигналининг юқори сатҳи билан бошқарилгандаги операцион кучайтиргичнинг қайта уланиш вақти билан аниқланади. Эришилаётган фронтлар давомийлиги қўлланилаётган операцион кучайтиргич турига боғлиқ ва 0.5 мксек.дан катта бўлмайди.


Хозирги вақтда кутувчи мультивибратор схемасини яратиш учун асосан интеграл операцион кучайтиргичлар қўлланилади.

Операцион кучайтиргич асосидаги кутувчи мультивибратор схемаси ва унинг вақт диаграммалари 9-расмда келтирилган.

Бошланғич ҳолатда бирвибратор чиқишидаги кучланиш $U_{\text{чик max}}$ га teng, бунинг натижасида операцион кучайтиргичнинг ноинвертирловчи киришидаги кучланиш $U(+)=\chi U_{\text{чик max}}$ инвертирловчи киришдаги кучланиш D_1 диоддаги кучланиш тушувига teng. D_1 - очик, шунинг учун $U(-) \approx 0$. t_1 лаҳзасида ноинвертирловчи киришга берилган кириш импульси операцион кучайтиргични $U_{\text{чик max}}^+$ ҳолатга ўтказади.



a)



б)

9-расм

Операцион кучайтиргичнинг инвертировчи киришига $\chi U_{\text{чек max}}^+$ кучланиши узатилади ва унинг ўзгарган ҳолатини ушлаб туради. Операцион кучайтиргич чиқишидаги мусбат кучланиш таъсирида С конденсатор резистор R орқали зарядланади. Конденсатор $U_{\text{чек max}}^+$ кучланишигача зарядланишга ҳаракат қиласида. Зарядланиш жараёнининг тавсифи қўйидагича бўлади.

$$U_c = U_{\text{чек max}}^+ (1 - e^{-t/\tau})$$

Аммо зарядланиш жараёнида конденсатордаги кучланиш $U_{\text{чек max}}^+$ қийматига етмайди, чунки t_2 лаҳзасида $U(-) = U_c = \chi U_{\text{чек max}}^+$ ва операцион кучайтиргич бошланғич ҳолатга қайтади. $U_c(t_u) = \chi U_{\text{чек max}}^+$ деб қабул қилиб импульс давомийлиги аниқланади.

$$t_u = \tau \ln \frac{1}{1-\chi} = \tau \ln \left(1 + \frac{R_1}{R_2} \right)$$

t_2 лаҳзадан кейин схемада бошланғич ҳолат ($U_c = 0$) тиклана бошлайди. Бу операцион кучайтиргич чиқишидаги кучланишнинг қутби ўзгарганлиги билан аниқланади. Конденсаторни R резистордан иборат бўлган занжирда қайта зарядланиши қўйидаги боғланиш билан аниқланади.

$$U_c(t) = (\chi U_{\text{чек max}}^+ + U_{\text{чек max}}) e^{t/\tau} - U_{\text{чек max}}$$

Конденсатор кучланиши \mathcal{D} диод очилиш кучланишига тенг бўлганида қайта тикланиш жараёни бошланади. Бу кучланишни нолга тенг қилиб қабул қилиш мумкин. $t = t_{\text{тикл}}$ бўлганида $U_c = 0$ деб қабул қилиб, тикланиш вақтини аниқлаймиз.

$$t_{\text{тикл}} = \tau \ln \frac{\chi U_{\text{чиқ маx}}^+ + U_{\text{чиқ маx}}^-}{U_{\text{чиқ маx}}^-}$$


$$U_{\text{чиқ маx}}^+ = U_{\text{чиқ маx}}^- \text{ бўлганида}$$

$$t_{\text{тикл}} = \tau \ln(1 + \chi) = \tau \ln \frac{2R_1 + R_2}{R_1 + R_2}$$

$$\chi > 1 \text{ ва } \frac{1}{(1 - \chi)} > 1 + \chi$$

бўлганлиги учун $t_u > t_{\text{тикл}}$. Кейинги ишга туширувчи импульс келгунича қайта тикланиш жараёни тугаши керак. Чиқиш импульсининг вақт давомийлиги ишга туширувчи импульсларнинг такрорланиш даврига яқин бўлса, қайта тикланиш вақтини камайтириш масаласи вужудга келади. Бу мақсадда R резисторига параллел \mathcal{D}_2 диод ва R резистордан иборат бўлган тармоқ уланади (10-расм).

Натижада қайта ушланиш вақти камаяди. Бунда τ вақт давомийлиги $t_{\text{тикл}}$ аниқланадиган боғланишда $C \cdot (R | R')$ бўлади, t_u учун эса ўзгармайди.



10-расм

Тажриба ишини бажариш учун саволлар

1. Операцион кучайтиргич нима? Триггер нима?
2. Операцион кучайтиргич асосидаги триггер схемаси чизилсин.
3. Мультивибратор нима?
4. Операцион кучайтиргич асосидаги мультивибратор схемаси чизилсин.
5. Операцион кучайтиргич асосидаги кутувчи мультивибратор схемаси чизилсин.

Тажриба ишидан олинган билимларни синаш учун саволлар

1. Операцион кучайтиргичнинг импульс қурилмаларида қўлланилиш сабаблари.
2. Операцион кучайтиргич асосидаги триггернинг ишлаш тамойили, унинг ўтиш тавсифи тушунтирилсин.
3. Операцион кучайтиргич асосидаги мультивибраторнинг ишлаш тамойили, унинг ишлашининг вақт диаграммалари тушунтирилсин.
4. Мультивибраторнинг чиқиш импульслари учун Q қандай ўзгартирилади?
5. Операцион кучайтиргич асосидаги кутувчи мультивибратор схемасининг ишлаш тамойили тушунтирилсин. Вақт диаграммаси тушунтирилсин.
6. Автотебранувчи мультивибраторни кутувчи режимга ўтказишнинг бошқа усуллари келтирилсин.

3 – ТАЖРИБА ИШИ


Автотебранувчи мультивибратор схемасини текшириш

Ишдан мақсад

1. Биполяр транзистор асосидаги автотебранувчи мультивибраторнинг ишлаш тамойилини ўрганиш.
2. Мультивибратор чиқишидаги импульсларнинг параметрларини яхшилаш усуллари билан танишиш

Тажриба стендининг тузилиши

ЭС8А тажриба стенді мультивибраторнинг турли схемаларини ўрганишга мўлжалланган. Ўрганилаётган мультивибратор схемаси стендинг олд қисмига маҳсус боллар ёрдамида маҳкамланади (1-расм). Бу ерда қуйидагилар жойлашган:




1-расм


1. Стендни таъминлаш манбаига улайдиган тумблер («Сеть»).
2. Таъминлаш манбай кучланиши E_K ва транзисторлар базаларидағи силжитиш кучланиши E_{cm} ни ростлашга мүлжалланган дастаклар.
3. Киришдаги бошқариш импульсини давомийлигининг ростлагичи. Бу импульслар дифференциалловчи занжир чиқишидан R_g резисторлардан берилади. Бу занжир B_1 тумблер ёрдамида уланади.
4. «Генератор» деб номланган мультивибратор схемаларини бошқариш гурухи. Бошқариш импульсларининг частотасини 1, 2, 3, 4, 5 диапазонларда сакраб ва аста-секин ўзгартирилиши мумкин. Мусбат «Π» ва манфий «—√—» бошқариш импульсларининг давомийлиги «Длительность» дастаги ёрдамида ўзгартирилади. Бошқариш импульсларининг амплитудаси «Амплитуда» дастаги ёрдамида ўзгартирилади, бунда мусбат «Π» импульслар амплитудаси Одан 24 В гача манфий импульслар амплитудаси Одан 12 В гача ўзгартирилиши мумкин.
5. База токи I_B , коллектор кучланиши E_K ва силжитиш кучланишини ўлчашга мүлжалланган ўлчов асбоблари.
6. Ўрганилаётган мультивибраторларнинг юкламалари гурухи. «Нагрузка» Унинг таркибиغا B_2 қайта улагич, юклама кўринишини аниқловчи ($R_H C_H$ ёки $R_g C_g$) B_3 қайта улагич кирган. B_4 қайта улагич ёрдамида дифференциалловчи занжирнинг сигими танланади. R_H резистори ёрдамида юклама қаршилиги аста-секин ростланади, R_g

ёрдамида дифференциалловчи занжирнинг вақт доимийлиги ростланади.

7. Автотебранувчи мультивибратор схемасини текшириш учун бошқарыш гурухы хизмат қиласы. Унинг таркибига ўзгарувчан R_b , R_{cm} резисторлари ҳамда C_b қайта улагиши киради. Булар ёрдамида мультивибратор чиқишидаги сигналларнинг частотасини ўзгартыриш мүмкін.
8. Ўрганилаётган схемалардаги жараёнларни осциллограф ёрдамида кузатиш учун «Контрольные точки» деб номланган уячалар хизмат қиласы.



2-расм. Автотебранувчи мультивибратор схемаси



3-расм. Коррекцияловчи диодлы автотебранувчи мультивибратор схемаси

Ишни бажариш тартиби

Автотебранувчи мультивибратор схемасини текшириш

1. $C_0=0,15$ мкф ва R_0 қаршилигининг бир нечта қиймати учун импульс давомийлиги t_u , пауза давомийлиги t_p , фронт давомийлиги t_ϕ , импульс амплитудаси U_m аниқлансин.
2. R_0 қаршилигининг иккита қиймати учун чиқиш импульсларининг частотаси F аниқлансин.
3. Чиқиш импульсининг аниқланган давомийлигидан фойдаланиб R_0 қаршилигининг қиймати аниқлансин.
4. 1, 2, 3 бандлардаги тажрибалар $C_0=0,015$ мкф қиймат учун такрорлансин.
5. R_0 қаршилигининг битта қиймати ва $C_0=0,15$ мкф учун чиқиш импульсининг давомийлиги t_u силжитиши кучланиши E_{cm} қийматига боғлиқлиги аниқлансин.
$$t_u=f(E_{cm})$$
6. $E_k=10$ В, $E_{cm}=5$ В, $C_0=0,15$ мкф ва R_0 қаршилигининг иккита қиймати учун иккала транзистор учун U_{k3} ва U_{b3} кучланишларининг осцилограммалари чизиб олинсин.

Коррекцияловчи диодли автотебранувчи мультивибратор схемасини текшириш

7. Мультивибратор чиқишидаги кучланиш шакли чизиб олинсин.
8. 7-бандда олинган осцилограммалар 6-банд натижалари билан солиширилсин.

Ишни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар

- 1–бандга** 2 плата ўрнатилсин (2-расм). В₂ қайта улагич 1 ҳолатида бўлсин. R_{cm} қаршилиги ўрта қийматга ўрнатилсин. $E_k=10$ В, $E_{cm}=5$ В қилиб танлансин. Мультивибратор чиқишига (10 ва 13 – 17 уячалар оралиғига) осциллограф улансин.
- 2–бандга** Чиқиш импульслар частотаси $F=1/T$ боғланиш ёрдамида аниқланади.
- 3–бандга** Чиқиш импульсларининг давомийлиги $t_u=0,7 R_0 \cdot C_0$ боғланиш ёрдамида аниқланади.
- 4–бандга** C_0 қайта улагич $C_0=0,015$ мкф ҳолатига ўрнатилади.
- 5–бандга** R_0 қаршилиги ихтиёрий ҳолатда бўлади. C_0 қайта улагич $C_0=0,15$ мкф ҳолатига ўрнатилади.
- 6–бандга** U_{k3} кучланишининг осциллограммасини чизиб олиш учун осциллограф 10-(13-17) ёки 4-(13-17) уячалар оралиғига, U_{b3} кучланишнинг осциллограммасини чизиб олиш учун осциллограф 5-(13-17) ёки 7-(13-17) уячалар оралиғига уланади.

7–бандга 3–плата ўрнатылсın (3-расм). Осциллограф 10-(13-17) ёки 4-(13-17) уячалар оралиғига уланади.

Хисобот таркиби

Хисобот қүйидагилардан ташкил топган бўлиши керак.

1. Текширилаётган мультивибратор схемаларини ўз ичиға олган тажриба ишининг баёни.
2. Тажриба ишининг баёни бўйича олинган хисобот натижалари.
3. $t_u=f(E_{cm})$ тавсифи.
4. Автотебранувчи ва коррекцияловчи диодли мультивибраторларнинг чиқишидаги сигналларнинг осцилограммалари

Тажриба ишини бажариш учун саволлар

1. Мультивибратор нима?
2. Мультивибраторнинг қандай турларини биласиз?
3. Тажриба ишида қандай схемалар текширилади?
4. Мультивибратор чиқишидаги сигналларнинг параметрлари нималарга боғлиқ бўлади?

Тажриба ишидан олинган билимларни синаш учун саволлар


1. Автотебранувчи мультивибраторнинг ишлаш тамойилини тушунтиринг.
2. C_{b1} ва C_{b2} конденсаторларнинг зарядланиш ва разрядланиш контурларини қўрсатинг.
3. T_1 ва T_2 транзисторлар база ва коллекторларида кучланишнинг вақт диаграммаларини чизинг.
4. Автотебранувчи мультивибратор чиқишидаги импульсларнинг частотаси схеманинг қайси параметрларига боғлиқ бўлади?
5. Коррекцияловчи диодли мультивибратор схемаси нима учун ишлатилади?

Қисқча назарий маълумотлар

Импульс генератори деб ўзгармас кучланиш манбай кучланишини электр импульслари энергиясига айлантирувчи қурилмага айтилади. Ҳосил қилинаётган импульслар шаклига боғланган ҳолда тўғри бурчакли импульслар генераторларини, махсус шаклли импульслар генераторларини ажратиш мумкин.

Тўғри бурчакли импульс генераторлари шакли тўғри бурчакка яқин бўлган импульсларни шакллантиради. Бундай генераторларнинг чиқиши сигналлари кучланишнинг ўзгариш тезлиги бир - биридан кескин фарқ қилувчи ҳудудларга эга: жуда кичик ("0" ва "1" сатхлар 4-расмда) ва жуда

катта (кучланишни "0" сатҳдан "1" сатҳга ўтиши ва "1" сатҳдан "0" сатҳга ўтиши).



Турғун ҳолатларнинг характерига қараб түғрибурсакли импульслар генераторлари бистабиль, моностабиль ва астабилларга бўлинадилар.

Бистабил генераторлар иккала мувозанат ҳолатларнинг ҳар бири узок вақт ичида турғунлиги билан характерланади.

Таъминлаш манбаи уланганидан кейин бундай генератор бир хил эҳтимоллик билан иккала мумкин бўлган мувозанат ҳолатларнинг бирига тушиб қолиши мумкин.

Битта генераторнинг битта узок давом этувчи турғун мувозанат ҳолати квазитурғундир. Моностабил генераторларнинг бошқа номи - "кутувчи" ёки "тормозланган".

Астабил генератор узок давом этувчи турғун ҳолатга эга эмас. Иккала мумкин бўлган ҳолатларнинг ҳар бири квазитурғун. Таъминлаш манбаи уланганидан кейин бу ҳолатлар даврий равишда алмашиниб туради. Бундай генератор автотебранувчи тебранувчи генератор дейилади. Унинг иши учун ташқаридан ишга туширувчи импульсларнинг берилиши талаб қилинмайди. Ташқи импульслар факат махсус, синхронизация режими деб аталувчи режимда берилиши мумкин. Бунда ишга туширувчи импульс ҳар гал муддатидан олдин тўнтирилишига олиб келади.


Тўғри бурсакли импульс генераторларида, худди бошқа турдаги генераторлардек мусбат тескари боғланиш мавжуд.

Автотебранувчи мультивибраторнинг схемаси 5-расмда келтирилган. Мультивибратор схемаси икки каскадли қурилма бўлиб, биринчи каскаднинг чиқиши CR_b занжир орқали иккинчи каскад кириши билан боғланган, иккинчи каскад чиқиши эса - худди шу тарзда биринчи каскад кириши билан уланган.

Иккала схеманинг транзисторлари конденсаторлари ва резисторлари бир хил бўлса, мультивибратор симметрик бўлади.

Фараз қиласликки, таъминлаш манбаи уланганидан кейин, схемада шундай режим ўрнатилдики, иккала транзистор актив режимда бўлсин, ва уларнинг коллектор токлари, электродлардаги кучланишлар ва боғланиш конденсаторлардаги кучланишлар бир хил қийматга эга бўлсинлар.

$$i_{K1} = i_{K2}; \quad U_{K1} = U_{K2}; \quad U_{\delta 1} = U_{\delta 2}; \quad U_{c1} = U_{c2};$$



5-расм

Бундай ҳолат турғун эмас. Қандайдир сабабга күра бирданига i_{k1} токи камайисин. Бунда R_{k1} қаршиликдаги кучланиш тушуви камаяди ва натижада коллектор потенциали ($U_{k1} = -E_k + i_{k1}R_{k1}$) ΔU_{k1} қийматга камаяди. C_1 конденсатордаги кучланиш бирданига ўзгара олмайды, ва биринчи онда кучланишнинг манфий сакраши ΔU_{k1} бутунлай T_2 транзисторнинг база ва эмиттер оралиғига қўйилади ва натижада i_{k2} токи ортади. Шу сабабли T_2 коллектори потенциали ($U_{k2} = -E_k + i_{k2}R_{k2}$) ортади. Бу T_2 транзистор коллектори кучланишнинг ўзгариши C_2 конденсатор орқали T_1 транзисторнинг киришига берилади ва унинг коллектор токининг янада камайишига олиб келади ва ҳоказо. Транзистор базасидаги кучланишнинг ҳар бир кейинги сакраши олдингисидан катта бўлганлиги учун (транзисторни кучайтириш хусусиятлари хисобига) бу жараён кўчкисимон бўлади ва жуда кичик вақт ўтганидан кейин T_1 транзистор берк ҳолатда бўлиб қолади. Шу ондан мусбат тескари боғланиш занжири узилади ва кўчкисимон жараен тугайди. Схема параметрлари шундай танланадики, очилган T_2 транзистор тўйиниш режимида бўлади.

Фараз қиласайликки, иккала транзистор очиқ бўлган мувозанат ҳолати канчадир вақт давом этади ва бу вақт ичида иккала конденсатор бир ҳил қийматгача зарядланади (ҳар бири $+E_k$ - очиқ транзисторнинг эмиттер ўтиши - $C - R_k - (-E_k)$ занжири бўйича).

Тез кечувчи тўнтарилиш вақтида конденсаторлардаги кучланишлар деярли ўзгаришга улгурмайди. Бу ўзгаришлар кўчкисимон жараён тугаганидан кейин сезиларли бўлади.


Масалан, транзистор T_1 беркилганидан кейин (U_{k1} коллектор потенциали манфийроқ қийматга эга бўлганида), C_1 конденсатори T_2 нинг эмиттер ўтиши ва R_{k1} орқали $\tau_{T_1} = C_1 R_{k1}$ вақт доимийлиги билан тахминан E_k кучланишигача зарядланишни давом этади. Заряд токи R_{k1} қаршилигига кучланиш тушувини ҳосил қиласади, шунинг учун заряд охирига келиб $U_{k1} = -E_k$.

C_2 конденсатори тўйинган T_2 транзисторнинг кичик қаршилиги орқали T_1 нинг база - эмиттер оралиғига уланган бўлиб қолади ва уни берк ҳолатда

ушлаб туради. T_1 берк бўлганлиги учун C_2 конденсатор зарядланиши давом эттира олмайди: C_2 ни T_1 орқали $+E_k$ қисчқич билан боғловчи занжир узилган. Энди C_2 орқали ток бошқа занжир бўйича оқади: $+E_2$ - очик T_2 - C_2 - $R_{\delta 1}$ - $(-E_k)$, яъни олдингига қарама - қарши, $C_2 \tau_l = C_2 R_{\delta 1}$ вақт доимийлиги билан разрядланади. Бу жараён узилмаган бўлганида эди конденсатор қайта зарядланиб, ундаги кучланиш қутбини ўзгартириб E_k га яқин қийматга эга бўлар эди. Аммо разрядланиш давомида C_2 конденсатордаги кучланиш ($U_{c2} \approx U_{\delta 1}$) нолга яқин бўлганди, T_1 транзистор очилади. Шу ондан бошлаб, схемада янги кўчкисимон жараён кечади. Бу жараён вақтида i_{k1} ортади, i_{k2} эса камаяди. Жараён T_2 беркилиши билан тугайди, яъни мусбат тескари боғланиш занжири узилади.

Энди T_2 - берк, T_1 эса тўйинган - яъни тўнтарилиш содир бўлади. Энди C_2 конденсатор очик T_1 транзистори орқали $+E_k$ - T_1 - C_2 - $R_{\kappa 2}$ - $(-E_k)$ занжири орқали зарядланади C_1 конденсатори эса $+E_k$ - T_1 - $-C_1$ - $R_{\delta 2}$ - $(-E_k)$ занжири орқали қайта зарядланади. Таъриф этилган жараёнлар қайтарилиб туради ва мультивибратор барқарор тебранишларни генерациялади.

Кўрилган схемада бўлиб ўтувчи жараёнларнинг вақт диаграммасини кўриб чиқамиз: (6-расм)



t_1 вақтгача транзистор T_2 берк, транзистор T_1 эса очик ва тўйинган.

Бу ҳолатга транзисторлар коллектор ва базаларининг кучланишлари қўйидаги қийматлари мос келади:

$$U_{\delta H1} \approx 0; U_{kH1} \approx 0; U_{\delta 2} > 0; U_{k2} \approx -E_k.$$

Тўйинган транзистор T_1 орқали T_2 нинг киришига уланган C_1 конденсаторнинг разрядланиши натижасида $U_{\delta 2}$ камаяди. $t = t_1$ вақтида T_2 транзистор очилади ва схемада кўчкисимон жараён ривожланади. Бунда транзисторларнинг ҳамма электродларининг кучланиши сакрашсимон ўзгаради. T_2 транзисторнинг коллектори потенциали $U_{\kappa 2}$ деярли нолгача ўсади. Бунга мос равишда T_1 транзисторнинг база потенциали ўсади ва у беркилади. Беркилган T_1 транзисторнинг коллектори потенциали сакрашсимон равишда манфийроқ бўлади, худди шу қийматга T_2 транзисторининг база потенциали $U_{\delta 2}$ камаяди.

Сакрашлардан кейин секин кечувчи жараёнлар бошланади. Беркилган транзистор коллектор кучланиши максимал қийматга бирданига эришмайди, чунки $R_{\kappa 1}$ резистор орқали бир канча вақт ичидаги камиювчи C_1 конденсаторнинг разряд токи оқади. Тўйинган T_2 транзистор орқали C_2 конденсатор разрядланади, натижада T_1 транзисторнинг база потенциали $U_{\delta 1}$ камаяди. t_2 вақтда келиб, $U_{\delta 1}$ потенциали ноль сатҳга етади ва T_1 транзистор очилади. Шу ондан бошлаб схемадаги жараёнлар тақорорланади. $U_{\kappa 1}$ ва $U_{\kappa 2}$ кучланишлари, $U_{\delta 1}$ ва $U_{\delta 2}$ кучланишлардек ярим даврга силжиган ва бир хил шаклга эга.

Тўйинган T_1 транзисторнинг база потенциали катта бўлмаган нолга яқин манфий қийматга эга.

$$U_{\delta \text{H}1} = i_6 \cdot r_{\delta 3} = -\frac{E_{\kappa} \cdot R_{\delta 3}}{R_{\delta 1} + R_{\delta 3}} \approx 0,$$

чунки $R_{\delta 1} \gg r_{\delta 3}$

Тўйинган T_1 транзисторнинг коллектор потенциали нолга яқин бўлган кичик манфий қийматга эга.

$$U_{\kappa \text{m}1} = -(E_{\kappa} - i_{\kappa \text{m}1} \cdot R_{\kappa 1}) \approx 0$$

Чунки тўйинган транзисторнинг қаршилиги R_{κ} дан анча кичик.


Ёпилган транзисторнинг коллектор потенциали максимал манфий қийматга эга.

$$U_{\kappa \text{m}2} = -(E_{\kappa} - i_{\kappa 0} \cdot R_{\kappa 2}) \approx -E_{\kappa}$$

Берк T_2 транзистор потенциали очиқ T_1 транзисторнинг коллекторига уланган C_1 конденсатордаги кучланиш билан аниқланади. Бу конденсатордаги бошланғич (максимал) кучланиш E_{κ} га teng.

5-расмда келтирилган мультивибратор схемаси шакли тўғри бурчакликдан фарқ қилувчи импульслар шакллантиради: манфий импульснинг олд фронти ясси бўлади.

Бундай бузилишни сабаби C конденсатор R_{κ} қаршилик орқали зарядланишида, шунинг учун коллектор потенциали аста - секинлик билан $U_{\kappa} \approx -E_{\kappa}$ қийматга яқинлашади. Олд фронтнинг вақт давомийлиги $t_q \approx 3CR_{\kappa}$.



7-расм.

Импульс шаклини яхшилаш учун C ва R_k қийматларини камайтириш керак. Аммо сифим C камайиши билан чиқиш импульсининг вақт давомийлиги ҳам камаяди, чунки $t_u \approx 0.7CR_b$.

Уни сақлаб қолиш учун R_b қаршилигини камайтириш керак, бу ўз навбатида схема термостабиллигининг ёмонлашувига олиб келади. R_k қаршилигини камайтириш транзистор тўйиниш токининг ошишига олиб келади ва коллектордаги кучланишнинг фарқини камайтиради, бу ўз - ўзидан қўзғатиш шартининг бузилишига олиб келади.

Чиқиш импульсининг шаклини сезиларли яхшилаш учун мультивибратор схемасига ўзгартириш киритиш керак. Коррекцияловчи диодли мультивибратор схемаси 7-расмда келтирилган.

$D_1(D_2)$ диодларнинг уланиши боғловчи $C_1(C_2)$ конденсаторнинг заряд токини коллектор резистори $R_{k1}(R_{k2})$ орқали эмас, балки $R_1(R_2)$ қаршилик орқали тувашиши таъминланади.

Кучланиш сакрашлари битта транзистор коллекторидан иккинчисининг базасига узатилганда D_1 ва D_2 диодлар очик, чунки уларнинг катодларининг потенциали анодлариникидан манфийроқ бўлади.

Ҳақиқатан, тўнталиши вақтича тўйинган транзистор (масалан T_1) орқали D_1 анодига корпуснинг ноль потенциали, катодига эса (резистор R_1 орқали) $(-E_k)$ потенциали берилади. Тўнталиши вақтида T_1 нинг коллектор потенциали U_{k1} $(-E_k)$ сатҳгача тушмайди, шунинг учун диод D_1 очик ва у орқали T_1 коллекторидан сакрашлар қаршиликсиз T_2 базасига узатилади.

Диод D_2 тўнталиши вақтига хиёл очик, чунки берк транзисторларнинг потенциали $U_{k2} = -(E_k - I_{k0} \cdot R_{k2})$ $(-E_k)$ дан бир - мунча юқори. Тўнталиши жараёнида U_{k2} манфий потенциали камаяди, демак D_2 диоди сакрашларнинг T_2 коллекторидан T_1 базасига узатилишига халақит бермайди.

Тўнталиши сакрашсимон тугаганидан кейин (T_1 беркилди, T_2 - очилди) T_2 эмиттер ўтиши орқали разрядланган C_1 конденсаторига ва R_1 қаршилигига R_1 қаршилигида ажralувчи, деярли E_k кучланиши қўйилади. Бунда D_1 катоди (корпусга нисбатан) потенциали ($U = U_{R1} - E_k$) га тенг бўлади ва нолга яқин бўлади, шу вақтда анод потенциали манфий ва ($\approx -E_k$) - диод D_1 берк ва C_1 конденсатори $+E_k$ - очик T_2 нинг эмиттер ўтиши - $C_1 - R_1 - (-E_k)$ контури бўйича зарядланади.

Бунинг натижасида тўнталишдан кейин берк транзистор коллекторидаги кучланиш асосий схемадан анча олдинрок ($-E_k$) га яқин бўлади.

Заряд токи i_3 камайиши билан U_{R1} кучланиши камаяди ва D_1 катоди манфийроқ потенциалга эга бўлади. C_1 конденсатор бутунлай зарядланиб бўлганидан кейин ($i_3 \approx 0$) диод D_1 очила бошлайди. Тўнталишдан кейин C_2 конденсатори $+E_k - T_2 - D_2 - C_2 - R_{\delta I} - (-E_k)$ контур бўйича қайта зарядланади.

4 – ТАЖРИБА ИШИ

Оптоэлектрон блокинг-генератор схемасини текшириш

Ишдан мақсад:

1. Оптоэлектрон блокинг - генераторнинг ишлаш тамойилини ўрганиш.
2. Унинг тавсифларини ва параметрларини текшириш.
3. Схема параметрларининг ўзгаришини блокинг-генератор ишига таъсирини аниқлаш.
4. Тажрибада аниқланган натижаларни ҳисоблаш натижалари билан солиштириш.

Тажриба стендининг тузилиши.

Тажриба стендининг схемаси 1-расмда келтирилган. Барча тутқичлар ва бошқариш аъзолари стендинг олд панелига жойлашган. Шу ерга оптоэлектрон блокинг-генераторнинг схемаси туширилган.

Стенд кучланиши 220 В, частотаси 50 Гц бўлган бир фазали ўзгарувчан кучланиш манбаидан озиқлантирилади.

Тажриба ишини бажариш учун текширилаётган блокинг-генератор стендидан ташқари осциллограф хам керак.

Текширилаётган блокинг-генератор КТ 315 биполяр транзистор ва АОД 301 юқори частотали диодли оптрон асосида йигилган. P_1 қайта улагич ёрдамида R қаршилиги ўзгартирилади. P_2 қайта улагич ёрдамида C конденсатор сифими ўзгартирилади. Коллектор юкламасининг қаршилиги 510 Ом

Ишни бажариш тартиби

1. Транзистор база токининг ўзгариши асосида чиқиш импульси давомийлиги қуйидаги боғланиш ёрдамида аниқланади.

$$t_u = \frac{K \frac{E - U_{CID}}{R_K} - \frac{E - U_\vartheta}{R_1}}{\frac{E - U_{CID}}{R_K} - I_{KO} - \frac{E - U_\vartheta}{R_1}} \quad (1)$$

Бу ерда:

E - таъминлаш манбаининг кучланиши $E \approx 15V$

U_ϑ - очиқ транзисторнинг кучланиши

U_{CID} - светодиоддаги кучланиш тушуви.

I_{KO} - танланган транзисторнинг иссиқлик токи

$K=0,2$ - оптроннинг узатиш коэффициенти

$E >> U_{CID}$ бўлганда қуйидаги боғланиш ўринли:

$$t_u = RC \ln \frac{\beta KR_1 - \beta R_K}{R_1 - \beta R_K} \quad (2)$$

R_1 қаршилигининг қиймати катта бўлганда қуйидаги боғланишдан фойдаланиш мумкин:

$$t_u = RC \ln \beta K \quad (3)$$

Пауза давомийлиги боғланишдан аниқланади:

$$t_P = (R + R_1) \cdot C \ln \left[1 + \frac{R}{\beta R_K} (\beta K - 1) \right] \quad (4)$$

1-расмда келтирилган схема учун содда (2) ва (4) боғланишлардан фойдаланиш мумкин.

2. Юкламадаги импульс давомийлигини оптроннинг тескари боғланиш занжиридаги сифимининг қийматига боғлиқлиги графиги $t_u = f(C)$ олинсин ва қурилсин.

3. Юкламадаги импульс давомийлигининг R_1 қаршилиги қийматига боғлиқлиги графиги $t_u = f(R_1)$ олинсин ва қурилсин.

4. Қуйидаги нуқталардаги осцилограммалар чизиб олинсин: юклама қаршилигига транзисторнинг коллектор - эмиттер, база - эмиттер ўтишларида ва конденсатордаги ток шакли.

Ишни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар

1-бандга Чиқиши импульси ва пауза давомийликларини ҳисоблаш учун (2) ва (4) боғланишлардан фойдаланилсин. Ҳисобот натижасини тажрибада олинган натижа билан солиштириш учун Π_1 ва Π_2

қайта улагичлар ёрдамида ўқитувчи томонидан берилган қаршилик ва сифимнинг қийматлари ўрнатилади. Осциллограф ёрдамида импульс ва пауза давомийликлари аниқланади.

- 2-бандга** Импульс давомийлигининг сифим қийматига боғлиқлиги графигини аниқлаш учун P_1 қайта улагич ёрдамида қаршиликнинг ўқитувчи томонидан берилган қиймати ўрнатилсин. P_2 қайта улагич ёрдамида сифим ўзгартирилиб, осциллограф ёрдамида чиқиш импульси давомийлиги аниқланади.
- 3-бандга** Импульс давомийлигининг қаршилик қийматига боғлиқлиги графигини аниқлаш учун P_2 қайта улагич ёрдамида сифимнинг ўқитувчи томонидан берилган қиймати ўрнатилади. P_2 қайта улагич ёрдамида қаршилик қиймати ўзгартирилиб, осциллограф ёрдамида чиқиш импульси давомийлиги аниқланади.
- 4-бандга** Конденсатордаги ток шаклини аниқлаш учун осциллограф конденсатор билан кетма-кет уланган 1 Ом қаршиликка уланади.

Ҳисобот таркиби

Ҳисобот қуидагилардан иборат бўлиши керак

1. Текширилаётган блокинг-генератор схемасини ўз таркибига олган тажриба ишининг баёни;
2. Чиқиш импульси ва пауза давомийлигининг ҳисобланган қийматлари.
3. Олинган боғланишларнинг графиги.
4. Ҳисоблаш натижалари ва хulosалар.
5. Кўрсатилган нуқталардаги кучланишларнинг осциллограммалари.

Тажриба ишини бажариш учун саволлар

1. Қандай қурилма блокинг-генератор деб номланади?
2. Нима учун ўрганилаётган схемада импульс трансформатори ўрнига опtron ишлатилади?
3. Опtron нима ва унинг қандай турларини биласиз?

Тажриба ишидан олинган билимларни синаш учун саволлар

1. Оптоэлектрон блокинг-генераторнинг асосий элементларини кўрсатинг.
2. Оптоэлектрон блокинг-генератор чиқишдаги импульсларнинг давомийлиги ва пауза давомийликлари схеманинг қайси параметрларига боғлиқ?
3. Фотодиодли опtronнинг схемадаги вазифаси нимадан иборат?
4. Текширилаётган блокинг-генераторнинг ишлаш тамойилини тушунтиринг.
5. Блокинг-генератор схемасидаги конденсаторнинг вазифаси нимадан иборат?
6. Блокинг-генератор қўлланиши соҳалари тўғрисида маълумот беринг.

Қисқача назарий маълумотлар


Оптронларнинг яратилиши ва кенг кўламда ишлаб чиқарилиши улар асосида қурилмалар яратишга имконият беради.

Оптронларнинг ўлчамлари кичик ва кириш ҳамда чиқиш ўртасида гальваник боғланиш мавжуд эмас. Уларнинг бу хусусиятлари анъанавий гальваник ажратиш учун импульс трансформаторлари қўлланган қурилмаларда қўллаш имкониятини яратади. Бунда блокинг генераторнинг қўйидаги асосий афзалликлари сақланиб қолади: соддалиги; тезкорлиги ва катта фойдали иш коэффициенти; юкламага кам қувват бериш имконияти.


Оптоэлектрон блокинг генератор – бу мусбат тескари боғланиш билан қамралган бир каскадли кучайтиргич. Мусбат тескари боғланиш диодли оптрон ёрдамида ҳосил қилинади. Агар транзистор базасининг потенциалининг ишораси транзисторнинг очиқ ҳолатига мос келса, блокинг-генератор ўз-ўзидан қўзғалиш режимда ишлайди, қолган ҳолларда – кутувчи режимида ишлайди.

Мусбат тескари боғланиш транзисторнинг ҳам очилиши, ҳам ёпилиши вақтида таъсири кўрсатади, бу эса чиқиш импульслари фронтларининг кичик қийматини таъминлайди.

Таъминлаш манбай кучланиш уланганда ва R_1 қаршиликдаги кучланиш тушуви ҳосил қилувчи силжиш кучланиши таъсирида T транзистор очила бошлайди. Унинг коллектор токининг ортиши фотодиод орқали ўтувчи токни ҳосил қиласди; бу токнинг бир қисми конденсатор орқали транзистор базаси занжирига тушади ва уни янада кўпроқ очади. Бу ўсувчи тезликка эга бўлган регенератив жараён T транзисторни бутунлай очади ва у чукур тўйиниши режимига ўтади. Энди импульснинг чўққиси шакллана бошлайди.



1-расм



2-расм

2-расмда келтирилган вақт диаграммаларидан кўриниб турибдики, конденсатор зарядлангани сари транзисторларнинг база токи камаяди,

коллектор токи эса ўзгармас бўлиб туради, чунки транзистор тўйиниш ҳолатида бўлади.

Конденсатор зарядлангани сари, у орқали ўтувчи ток, демак база токи ҳам камаяди ва шундай вақт келадики, бу ток транзисторни тўйинишида ушлаб тура олмайди. У актив режимга ўтади ва беркила бошлайди. Шу вақтда импульс чўққисининг шаклланиши тугайди.

Коллектор токининг камайиши фотодиод токини ва транзисторнинг токини камайтиради, яъни транзистор беркилиши вақтида ҳам диодли оптрон орқали мусбат тескари боғланишининг таъсири намоён бўлади ва транзистор тез беркилади. Кейин кўчкисимон жараёнлар яна такрорланади. Чиқиш импульсларининг частотаси ва давомийлигини ўзгартириш учун таъминлаш манбаи кучланишининг ва схема элементларининг параметрларини ўзгартириш керак.

Адабиётлар

1. Чурбаков А.В. Импульсные устройства с диодными оптронами.–М.: Радио и связь, 1980
2. Гусев В.Г., Гусев Ю.М. Электроника. – М.: Энергия, 1992
3. Алексеенко А.Г., Шатурн И.И. Микросхематика.–М.: Радио и связь. 1982
4. Гершунский Б.С. Основы электроники и микроэлектроники.–Киев: Вища шк., 1989
5. Ушаков В.Н. Электротехника и электроника.– М.: Радио и связь, 1997
6. Прянишников В.А. Электроника. СП б. Корона, 2004
7. INTERNET: www.ire.krgtu.ru.

МУНДАРИЖА

1 – тажриба иши. Операцион кучайтиргич асосидаги компаратор ва интегратор схемаларини текшириш.....	– 3
2 – тажриба иши. Операцион кучайтиргич асосидаги триггер ва мультивибратор схемаларини ўрганиш.....	– 9
3 – тажриба иши. Автотебранувчи мультивибратор схемасини текшириш.....	– 19
4 – тажриба иши. Оптоэлектрон блокинг-генератор схемасини текшириш.....	– 29
Адабиётлар	– 33